

«Шохруд» акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган «Шифобахш» малҳами Ялтада ўтган халқаро кўргазманинг олтин нишонига сазовор бўлди. У Бухоро университети олимлари ва «Ўзметасабзавотхолдинг» АЖ мутахассислари ҳамкорлигида яратилди.



ISNONSEN

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 27 май, шанба №76 (908)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси тўғрисидаги АХБОРОТ

26 май куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси давом этди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Депутатлар Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Н.Жўраевнинг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Урганчдаги қурилиш-қасб-хунар коллежи директори И.Бойжонов, Урганч тумани ҳокими Х.Нуруллаев, «Наманганқурилиш» трести бошқарувчиси Ш.Матмусаев, Бувайда тумани ҳокими Б.Тўрақулов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Б.Махситов иштирок этди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва халқаро миқёсдаги спортчиларни тайёрлашда муҳим ўрин тутганини қайд этди.

Президент спорт ҳасимиизнинг ажралмас қисмига айланиши, давлат ҳокимияти органлари, депутатлар, кенг жамоатчилик, энг аввало маҳалларнинг доимий эътиборида бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ислом Каримов Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақалар, хусусан, Сиднейдаги ёзи Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши

усқуналар сотиб олишга ишлатиш зарур. Иқтисодиётимиз келажаги, энг аввало экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни жаҳон бозорларида сотишни қандай ташкил этишимизга боғлиқ.

Парламент янги тахрирдаги қонун лойиҳасини тасдиқлади.

Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раиси А.Аҳадов Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Пахтачи тумани ҳокими Э.Уматов, «Турон» акциядорлик тижорат бирлаштурув банки бошқаруви раиси А.Эрдонаев, Тахтақўпир туманидаги «Тахтақўпир» кооперативи раиси А.Одилов, «Ўзнефтгазқурилиш» акциядорлик компанияси бош директори Б.Ҳафизов, «Янгийул ёг-мой» акциядорлик бирлашмаси раиси М.Худоев иштирок этди.

Депутатлар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунни янги тахрирда қабул қилди.

Сессияда «Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси И.Собировнинг маърузаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпанияси Бухоро аэропорти директори Т.Бахронов, Томди тумани ҳокими А.Назаров чиқишларидан сўнг қонун қабул қилинди.


Депутатлар, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг маърузасидан сўнг, айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси тўғрисидаги маълумотларни ўқиб чиқариш ва таҳлил қилишга асосан, «Шуртангазим» мажмуи барпо этилапти. Шу боис бу ерда бунёдкорлик ишлари қизигандан қизимокда. Хусусан, унинг ҳар бир цехида монтаж ишлари анқ режа асосида олиб борилапти.

Мажмуа қурилишида мамлакатимиздаги ўнлаб йирик қурилиш корхоналари ва трестлари иштирок этмокда. Айниқса, Бешкент шаҳридаги «Мелиоқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти ва Шаҳрисабздаги «Сааноатэнергомонтаж» корхонаси қурувчи-мутахассисларининг бажараётган ишлари шўртанликларнинг мактовига сазовор бўлмокда.

Суратларда: 1. «Сааноатэнергомонтаж» корхонаси монтажчилари Гафур Амруллаев ва Сергей Парошин. 2. Сув кўтариб берувчи улкан насослар монтаж қилинмокда.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ИЛДИЗЛАРИ ҚУВВАТ ОЛАЁТГАН ДАРАҚ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлими йил бошида тузилган режаларни амалда бажариш билан ўз макени мустаҳкамлаб бормокда. Чунончи, тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси вилоят марказидан узоқда жойлашган Қизилқум, Узун туманларнинг қишлоқларида истикомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандларига, ногиронларга ва туғиш ёшидаги аёлларга фол ёрдам кўрсатиб, тиббий қуридан ўтказди. Кўри пайтида касаллиги аниқланган 262 нафар бемор шифохонага ётқизирилиб, 3329 нафари эса амбулатория шартларида соғломлаштирилди.

Вилоят бўлими яқинда уч нафар беморни Тошкентдаги «Умид» ногиронлар саломатлигини тиклаш марказида даволаштириш учун 76 минг сўм, Термиз шаҳрида истикомат қилувчи саккиз яшар Бехруз Шониевнинг даволати учун Республика қон ва қон қуйиш илмий-тектириш институти ҳисобига 133 минг сўм маблағ ажратди. Шунингдек, Ангор туманларида яшовчи кам таъминланган 20 оилага 330 минг сўмлик хайрия ва мурув ёрдами кўрсатилади.

Қилинган ишларни рақамларга айлантирадиган бўлсак, шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида жамғарманинг вилоят бўлими ва унинг шаҳар, туманлардаги таянч масканлари томонидан сурхондарёликларга 750 минг сўмлик тиббий-ижтимоий, хайрия ва мурув ёрдами берилди.

Универсиада-2000 кундалиги ЧЕМПИОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

Универсиадани ўтказиш савияси кўп жиҳатдан бош ҳакамлар ҳайъати котибиятининг мусобақаларнинг аниқ ва бир маромдаги тартибини йўлга қўйишига боғлиқдир.

Касбим тақозосига кўра мен турли спорт анжуманларида иштирок этганман, - дейди Универсиада ҳакамлар ҳайъатининг бош котиби Роман Инков. - Наманган мусобақалари, мусобақасиз, энг олий тоифадаги мусобақалардан қолишмайди. Барча хизматлар аниқ ишлагани тўғрисида, мусобақалар жадвал бўйича, барча мейёрлар ва қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилмокда.

Универсиада бош ҳакамлар ҳайъатининг котибияти барча спорт турлари бўйича финал ўйинлари бошланганини маълум қилди. Дастлабки голибларнинг номлари аниқланди. Кураш бўйича мусобақалар ўз нихосига етди. Улардан сўнг теннисчилар ҳам олий мукофотлар учун беллашувини якунлашди.

Универсиаданинг энг кучли теннисчилари Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабалари эканлиги маълум бўлди. Олий ўқув юртининг теннисчилар жамоаси 5 та олтин, жами 8 медални кўлга киритишди. Луиза Виктякова (аёллар ўртасида)

ги шахсий ҳисобда яқка мусобақаларда) ва Александр Мальцев (эркаклар ўртасида) энг кучли теннисчилар, деб топилди. Улар ҳам Жисмоний тарбия институти талабаларидир. Шу институтнинг талабалари бўлган Мария Жоржиа ва Маҳмуд Охунжонов жуфтликлар орасида галаба қозонди. Аралаш тоифадаги галаба ҳам М.Жоржиа ва А.Мальцевга насиб этди.

Универсиаданинг кумуш ва бронза медаллари Андижон иқтисодиёт университетига ва Наманган муҳандислик-педагогика институти теннисчиларига топширилди.

Универсиаданинг сўнгги икки куни ҳам финал ўйинларида бой бўлади. Унда эркаклар ва аёллар жамоалари ўртасида баскетбол, валебол ва шахмат бўйича мусобақалар якунланади.

Универсиаданинг охири кунда энгил атлетика ва фарғонача кураш бўйича голиблар аниқланади. «Навбахор» стадионида ўтказиладиган футбол бўйича финал ўйинлари Универсиаданинг сўнгги мусобақаси бўлиб қолади. 29 май куни мамлакатимиздаги биринчи талабалар ўйинлари якунланишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтади.

Н. Хўжаева, ЎЗА муҳбири.

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ҲАҚИДА

Бу йил Сирдарё вилоятида 2600 нафар ўғил-қиз касаба уюшмаларининг беминнат ҳимматида баҳраманд бўладилар. Вилоятдаги 30 та мактаб қошида оромгоҳлар ташкил этилди. Яқинда Мирзаобод туманидаги Алишер Навоий номи 1-мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳ билан танишдик. Бу ерда болаларнинг мазмуни ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Маънавият ва маърифат бурчаклари ташкил этилган. Спорт мусобақалари, турли хил

кўнгли очар машғулотлар ўтказиш учун имкониятлар етарли.

Гулистон шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси мавсумни янада мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида мактаблар қошида оромгоҳларда 600 нафар бошланғич синф ўқувчиларининг дам олдирилишига бош-қош бўлмокда.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши ўқувчиларнинг ёзи таътил даврида оромгоҳларда дам олиши билан боғлиқ тадбирлар учун 13 миллион сўм миқдорда маблағ ажратди.

Қандай яшамокда қишлоқда дехқон?

Мингбулоқ тумани аҳолисининг 62 фоизи қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланади. Асосан пахта, галла ва шол этиштирилади. Гулбоғ пахта тозалаш заводигина санаот корхонаси сифатида фаолият кўрсатиб турибди. Санаот ва қўшма корхоналарнинг яхши ривожланмаганлиги тўғрисида ҳозирда мингта яқин ишсизлар рўйхатга олинган.

Мавжуд 55 та қишлоқдан 11 тасига табиий газ етиб бормаган. Тумани ижтимоий, маданий ва маиший иншоотлар билан таъминлаш даражаси вилоят кўрсаткичидан пастлигича қолмокда. 2000 йилнинг январ ҳолатига туманда 19 та қурилиш тугалланмаган объектлар мавжуд. 52 та умумтаълим мактабларининг учтаси авария ҳолатида.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда ҳамда туманининг табиий ва иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиб, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида

си 37-мактаб биноси қурилишини бошлаш, 11-мактабни иқтидорли болалар мактабига айлантириш учун амалий чоралар кўрмокда.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш барча муваффақиятлар мезони деб қаралаётганини учун ҳам

га туман ҳокимининг со-вринлари топширилди. Республикаимиз пойтахтида фаолият кўрсатаётган спорт журналистларининг «Ижодкор» ва маҳаллий «Мингбулоқ» командаси ўртасида мини футбол мусобақалари ҳам ҳақиқий спорт байрамига айлиниб кетди. Чўлқуварларнинг спортга ихлоси ортиб бормокда. Замонавий теннис корти жадал сурьатлар билан қад ростлаёттир. «Ёшлар маркази» бунёд этилмокда. Деярли ҳамма маҳаллада биллиард билан шуғулланиш имкониятлари яратилган. Спортнинг бошқа турлари ҳам изчил ривожланапти. «Наманган ҳақиқати»-«Наманганская правда» вилоят газеталарининг Хотира ва Қадрлар кўнига бағишланган энгил

атлетика бўйича мусобақаси туманда ўтказилиши ҳам беҳиж эмас.

Бугун тумандаги Ш.Рашидов номи лицейининг довури бутун республикамизга ёйилмокда. Унинг ўқувчиларидан 5 нафари хоржида, 100 дан зиёди мамлакатимиз олий би-

да. Бу ишга тумандаги ташкилот, ҳўжалик аъзолари, тадбиркор ва ишбилармонлар жалб этилганлар. Қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳашар йўли билан амалга ошириляпти. Кези келганда таъкидлаш керакки, бундай саъй-ҳаракатларни

алоҳида эътибор берилмокда. Қурилиш тугалланмаган объектларни маблағ билан таъминлаш каби ишлар билан алоқадор вилоят ташкилотлари шуғулланмокда.

Асосий соҳа — пахтачилик ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Унда берилган мас-лаҳатлар ва кўрилган ишлар бўйича ҳўжалик раҳбарлари, маданият, соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш ходимлари муайян тадбирларни амалга ошириляпти. Мингбулоқликларнинг кайфиятлари кўтаринки. Деярли барча жабхаларда олға силжиш бор. Ишонч ва умид билан меҳнат қилинаёттир. Пахтачиликда кейинги 5 йилда сурункасига давлат буюртмаси қарбод этиб келинган бўлса, мустақиллигимизнинг тўққизинчи йилида қоқоқликка барҳам берилиши аниқ. Давлатга 50 минг 250 тонна пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб беримиз, дейишмокда кўпни кўрган дехқонлар ва мутахассислар. Бу сўзларни эшитиб беихтиёр кўнгиллар равшан тортади.

Қосимжон АКБАРОВ, Наманган вилояти.

МИНГБУЛОҚНИНГ ЖЎШҚИН ҲАЁТИ

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаб ва уюшмас таркибидagi Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган корхона ва муассасаларда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, манфаатларини ҳимоялаш борасида бугунги кун талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

ЗАРАРЛИ ШАРОИТДА ИШЛОВЧИЛАРГА ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерациясининг курултойи қатнашчиларига йўллаган табрикларидида қайд этилганидек, «Меҳнат аҳлига моддий-маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонуни ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўзини-ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, одамларнинг ташаббус ва ишлашларини рағбатлантириш, айниқса муҳим аҳамият касб этади».

ди. 2000 йил — «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинганлиги меҳнаткашларнинг, уларнинг бола-ларини соғлом, баркамол бўлиб етиштириш учун касаб ва уюшмалари ўз ҳара-кат дастурларини ишлаб бeлгиланган бандларнинг 90 фоиздан кўпроги ба-жарилди. Амалдаги йил учун қабул қилинган жа-моа шартномаларининг асосий мазмун-моҳияти иш берувчи ва ишловчи-ларнинг икки томонлама мажбуриятлари, жамоа-ларнинг иқтисодий-ижти-моий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда шу билан бирга, қонун ва меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган ҳар хил то-ифадаги ишловчиларга нисбатан қўлланиладиган имтиёزلарнинг сақлани-ши ва улардан самарали фойдаланишни таъмин-лашдан иборатдир.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

Савол: 1994 йилда меҳнатда жароҳатланган-ман. ТМЭК менга 3-гурӯх ногиронлиги ва 40 фоиз соғлигимни йўқотганлигимни тасдиқловчи тиб-бий ҳулосани мuddатсиз қилиб берган. Лекин мен корхонадан ҳеч қанақа товон пули олганим йўқ. Энди мен ўша товон пулини олишим мум-кинми?

Юқоридагиларни эъти-борга олиб Сизга, тезда вақтни ўтказмасдан жаро-ҳат олган корхона маъму-риятига ариза билан му-рожаат этишингизни мас-лаҳат берамиз. Зарар миқдори юқорида айтиб ўтилган қарорда белги-ланган қоида бўйича аниқ-ланади. Шунга айтиш жо-изки, жабрланувчиларга меҳнат жароҳати бўйича ногиронларга зарарни қоплаш учун тўланадиган миқдор Ўзбекистон Рес-публикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 50 (эллик) фоизидан кам бўлмасли-ги керак. Ҳозирги кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 1750 сўмни таш-кил этади.

Алишер ОМОНОВ, Тошкент шаҳри.

Жавоб: Сиз тиббий меҳнат экспертиза комис-сиясининг ҳулосасини ол-ганингиздан кейин корхо-на маъмуриятига меҳнат жароҳати туйғайли кўрил-ган зарарни ундириш ҳақида ариза билан му-рожаат этишингиз керак эди. Лекин бу сиз энди уни ололмайсиз, дегани эмас.

Агар ходим томонидан зарарни ундириш тўғри-сида ариза жабрланувчи-нинг меҳнат жароҳати ту-файли касб бўйича меҳ-натга лаёқатини йўқотга-нидан 3 йил кейин берил-ган тақдирда зарарни тўлаш муурожаат қилинган кундан бошлаб амалга оширилади. Ариза берил-ган кун зарарни тўлаш тўғрисида муурожаат қилинган кун ҳисоблана-ди.

Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳма-сининг 1994 йил 1 фев-

ралдаги 48-сонли «Хо-димларга уларнинг меҳ-нат вазибаларини бажари-ш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касал-ликларга чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туйғай-ли етказилган зарарни иш берувчилар томони-дан тўлаш қўраларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорнинг VI боб 38-қис-мига мувофиқ зарар тўловлари жабрланувчи-

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Мана, мазкур ўқув йили ҳам ния-сига етди. Энди ўқувчилар оромгоҳлар қўйнида дам оладилар, соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

Хива шаҳридаги Пахлавон Маҳ-муд номли, Боғот туманидаги «Ўзбекистон», Искандар Дўстов номли, Гурлан туманидаги «Дўстлик», «Урганггазузатиш» ҳис-садорлик жамаиятига қарашли «Бо-ғиэрам», вилоят электр тармоқла-ри идорасига қарашли «Ғайрат», вилоят касаб ва уюшмалари Кенга-шига қарашли «Шодлик» оромгоҳ-ларида мавсумга ҳозирлик кўриш ишлари намунали ташкил этилди.

Хоразм вилоятидаги 66 та оромгоҳ-да мавсум давомида 24 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларнинг дам олиши ре-жалаштирилган. Вилоят касаб ва уюшма-лари Кенгаши томонидан тузилган мах-сус комиссия барча оромгоҳларнинг раҳбарларини аттестациядан ўтказди. Тарбиячилар тажрибасини ошириш мақ-садида ўқув машғулоти олиб борил-ди.

Аммо, Кўшқўпир туманидаги «Умид», «Уму», Хонқа туманидаги Каримбой Саъдуллаев номли оромгоҳларда бу бо-радаги ишлар суст.

Тармоқ касаб ва уюшма-лари меҳнатини муҳофа-за қилиш, касаб аъзола-рининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя-лаш, уларнинг соғлиги тўғрисида қайғуриш бо-расида талайгина камчи-л ва нуқсонлар мавжуд. Уларни тезда бартараф этиш чоралари белги-лаётди.

Шу кунларда муаммоларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирла-ри кўриляпти.

Ф. НАЗАРОВ, Хоразм вилояти касаб ва уюшмалари Кенгашининг бўлим мудир.

ТАДБИРКОРЛИК КЕНГ ЙЎЛ ДАВОЛАШ «МУРУВВАТ» ҲИСОБИДАН

Нуроталиқлар Умиркул Нарзуллаевни таж-рибали стоматолог, тадбиркор сифатида танийдилар. Бугунги кунда туманда унинг «Фурқат» фирмасига қарашли стоматоло-гия, тиббий кўрик поликлиникалари ишлаб турибди. Бу ерда тиш даволаш бошқа жой-лардагига нисбатан анча арзон. Шунинг учун бўлса керак 7 та даволаш хонаси до-имо миқоз ва беморлар билан гавжум. Ку-нига 25-30 нафар бемор қабул қилинади.

— Хизматимиздан ҳеч ким норизо бўлмас-лиги керак. Пулингиз бўлмаса ҳам келаве-ринг, — дейди Умиркул. — Чунки «Мурув-ват» фонди ҳисобидан аҳолига ҳар йили 150-200 минг сўмлик бепул хизмат кўрсати-лади. Поликлиника қошида заргарлик чеҳи ҳам ишлаб турибди.

«Фурқат» хусусий фирмасининг 2-тиббий кўрик-поликлиникаси ўзига хос, унинг бо-шқаларга ўхшамаган жиҳатларидан бири шундаки, бу ерда ҳам нархлар анча арзон-лаштирилган. Мактаб ўқувчилари, кўп бо-лалари ночор оилалар, боқувчисини йўқотган-лар, ногиронлар учун кўрик бепул.

Туманининг Жилонтамғали қишлоғидаги «Нарзулла бобо» хусусий ёқилғи сотиш шо-ҳобчиси ҳам Умиркул Нарзуллаев ташаббус-и билан иш бошлаган.

Тадбиркор деҳқончиликда ҳам ўз имко-ниятларини синаб кўрмоқда. 38 гектар май-дони бўлган «Семурғ» фермер хўжалиги 1994 йилда иш бошлаган. Хўжалик ўтган йилнинг ўзида қабул пунктларига шартно-ма асосида 17,5 тонна дон, 1 тонна нўхат, 8 тонна пивёз, 3 тонна сабзи, 1 тонна кун-жут, 5 тонна сабзавот ва бошқа маҳсулот-лар топширди.

— Яқин орада ўрим-йиғим ҳам бошланиб қолади, — дейди фермер. — Лекин ҳар йили бизга ўрим комбайнлари хўжалиқлар гал-ласи ўриб бўлингандан сўнг бериляпти. Шун-инг учун фермерларга алоҳида ўрим ком-байнлари ажратилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Тадбиркорга имкон кўп, дейди халқимиз. Ҳақ гап. Буни Бойсулик ишбилармонлар ўз фаолиятларида синаб кўриш-ди. «Малика» хусусий корхонаси дастлаб ташкил этилганида мулкдорлар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида иш бошлаган «Бизнес-фонд» ташкилотига муурожаат этишди. Ташкилот ишбилармонларнинг истақларини маъқуллаб, те-гишли маблағ ажратиб берилди. Сармоёни мақсадли сарф-лаш натижасида корхона қисқа мuddатда ўзини тиклаб олди. Тикувчилик чеҳи яхшигина фойда келтирадиган бўлиб қол-ган, «Бизнес-фонд»нинг маблағи қайтариб берилди. Айни пайтда тадбиркорлар чорва маҳсулотлари етиштириш иста-ғида янги тармоқ очилга ҳаракат қилишяпти. Бу билан ҳозир 50 нафар иш ўрни мавжуд бўлган корхонада ишчи-хизмат-чилар сафи янада ортиши турган гап.

Суратда: корхонанинг чевар тикувчиси Нарғизахон Бобоева.

Б. ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

Таҳлил

Эл маъмурчилигини таъминлашда оила пудра-ти, деҳқон ва фермерларнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, мустақиллик йилларида ҳукуматимиз аг-росаноат мажмуида ислохотларни жадаллаштириш мақсадида ҳамда ердан самарали фойдаланиш-ни назарда тутиб, деҳқон-фермер хўжалиқларини ташкил этиш, уларга етарлиқ шaroитлар яратиб беришга йўналтирилган истиқболли қонунлар қабул қилди. Хусусан, «Деҳқон хўжалиқлари тўғри-сида», «Фермер хўжалиқлари тўғрисида»ги қону-лар миришикорга ерга эгалик ҳиссини туйиш им-конини бериш билан бирга, унинг эркин ишлаши, сифатли маҳсулот етиштиришида ҳуқуқ-имкони-ятларини кафолатлайди.

ҚОНУНЛАР НЕГА СУСТ ИШЛАМОҚДА

БАЪЗИ «ТАДБИРКОР»ЛАР ИМТИЁЗДАН АСОССИЗ ФОЙДАЛАНИШМОҚДА

Туманда кейинги йил-ларда фермер хўжалиқла-рини ташкил этиш, улар-нинг иш фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича бир талай ишлар қилин-ганлиги рoст. Лекин қонунлар ва қонун ости норматив актлар талаби-га риоя қилиш ва бу йўна-лишда олиб борилган иш-лар таҳлили соҳада ечи-мини кутаётган жуда кўп муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, туманда деҳқ-он ва фермер хўжалиқла-ри билан истиқболли ре-жалар асосида ишлаш, ҳамкорлик қилишда масъ-ул идораларда аниқ маъ-лумотлар мавжуд эмасли-ги долзарб масалага бе-парволик билан қараб ке-линаётганликдан далolat беради. Бинобарин, туман деҳқон-фермер хўжалиқ-лари уюшмаси вакилчили-ги

бўлмаса-да, уларга қонун-да белгиланган имтиёзлар қўлланилган. Чунончи, «Осиё», «Парвоз», «Иқтисодиёт», «Галла-булок» каби йигирма уч нафар тадбиркор ана шундай имтиёздан асоссиз фойдаланган бўлса, солиқ инспекция-сидан рўйхатдан ўтмай уюшмага аъзо бўлган яна ўн иккита тадбир-кор фаолиятини қандай изохлаш мумкин.

Худди шундай чалқаш-

сусиятларини фарқлай ол-маслиги оқибатида қонун талабига зид равишда иш юритишган. Маълумки «Фурқат» фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари 50 йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган мuddатга берилди». Хўжалик раҳ-барлари бу ҳақда умуман тушунчага эга эмаслар.

Шартномалардаги аниқ-лиқ сўралганда «уни фермер хўжалиқлари уюшмаси билан фермер-участкалари берилгани ҳолда, унинг балл бани-тети бўйича баҳоси аниқ-ланмаган.

Халқимизнинг деҳқон ва фермер хўжалиқлари-дан умидлари катта. Чун-ки улар қўли билан неъматлар яратилади, маъмурчилигимиз ортади, дастурхонлар тўкин бўла-ди. Лекин фермер бўла-ман деб ерни эгаллаб, кўзланган маҳсулот етиш-тирилмаса бундан ёмони йўқ. Мана бу далилларга

эътиборни қаратсак: «Оқрабoт» жамоа хўжали-ги тасарруфидаги «Хул-кар-1» фермер хўжалиги-га 30 гектар ер майдони ажратилгани, ҳолда, маъ-муриятнинг таъкидлашича, у 133 гектар ерни эгал-лаб олган. Ана шундай ўзибўларчилик иллоти ил-диз отганлиги ва масъу-лият ҳис этилмаётганлиги оқибатида хўжалик маъму-рияти ўз ҳудудида нечта деҳқон ва фермер хўжа-лиқлари фаолият кўрсата-ётганлигини билмайди.

Прокуратура таҳлили жараёнида яна бир нарсга аён бўлди. Чунончи, деҳ-қон ва фермер хўжалиқ-лари, тадбиркорларда мақсади, устувор йўна-лишга эга бизнес режа йўқ. Уларни аттестация-дан ўтказиш, умумий фа-олиятини таҳлил қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш

Навоий шаҳрида Навоий Давлат кончили институтини ташкил этилганлигининг беш йиллиги муносабати билан илмий-техник конференция бўлиб ўтди. «Қазилма бой-ликларни ноанъанавий усулда қазиб олишнинг қулай усуллари ва XXI аср кончилиги тарақ-қиёти» мавзусидаги ушбу анжумани респуб-лика Олий ва ўрта махсус таълим вазири-лиги, «Қизилқумоқ-металлолти» давлат концерни, Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий Давлат кончили институтини ҳамкорликда уюштир-ди.

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ

Маълумки, давлатимиз мустақиллигининг даст-лабки йиллариданоқ Ки-зилқум сарҳадларидаги қазилма бойликларни ўрганиш ва ўзлаштириш иқтисодиёт соҳасидаги асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Шу мақсадда Президентимиз Ислам Каримов-нинг ташаббуси билан ташкил этилган Навоий Давлат кончили инсти-тутиди соҳа бўйича ма-лакали мутахассислар тайёрлана бошланди. Анжуманда Хитой, Рос-сия Украинадан келган олим ва мутахассислар Навоий Давлат кончили институтиди олиб бори-лаётган изланишлар Ўзбекистоннинг равнақи учун хизмат қилишини таъкидладилар.



Б. ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.



29 май - 4 июн

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 29

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»

8.40 «Ер ва дивр тароналари» Мусикий дастур.

9.10 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Сўзана ва чинни буюмлар»

9.30 «Ўзлик» Бадий-публицистик курсатуви.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. Болаларнинг ёғи таътиллари кунларида.

10.05 Кундузги сеанс: «Бор эканда, йўқ экан» Бадий фильм.

11.25 Ўзбекистон телерадиокорпорацияси камер оркестрининг концерти.

12.05 «Соғлом авлод — бу бизнинг келажигимиз».

12.45 «Олтин тоғ» Телевизион ўйин.

13.05 «Олам» Дам олиш кинодастури.

14.10 «Оталар чойхонаси» Мусикий дам олиш дастури.

15.10 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».

15.30 «Сабр косаси» Бадий фильм.

16.55 «Адолат мезони».

17.15 Тошкентда Европа фильмлари фестивали.

17.35 «Сиз уларни танийсиз».

18.10 «Тамсилот».

18.25 «Мумтоз наволар» А. Саидов.

18.50 «Бахтли воқеа».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 Ўзбекистон телеканаллари.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Кўшиқ-ла ҳаёт гўзал» Мусикий дастур.

21.35 «Конуи ва биз».

22.05 «Универсиада-2000» кундалиги.

22.20 «Мажнавий» дастури.

23.05 «Жиз ва Вустер» Телесериал премьераси. 12-қисм.

23.55 «Ахборот».

00.25 «Сени ҳеч қачон унутмайман» Бадий фильм.

1.45-1.50 Ватан тимсоллари.

Ўшлар телеканаллари

9.00 «Давр тонги».

10.00 Кўрсатувлар дастури.

10.05 «Янги авлод»: «Оқ кабутар», «Шум болалар».

10.50 «Мусикий лаҳзалар».

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.40 «О. Ёшлигим».

12.00 «Ўшлар» телеканалда: «Спорт-2000».

12.50 «Мусикий лаҳзалар».

13.00 Баҳодир Йўлдошев театри: Делмар «Ғариблар». 1-қисм.

14.15 «Олтин мерос».

14.30 Баҳодир Йўлдошев театри: Делмар «Ғариблар». 2-қисм.

15.35 «Мусикий лаҳзалар».

15.45 «Ўшлар» телеканалда: «Спорт-2000».

16.35 Ўзбекистон телеканаллари: «Самовий саргузаштлар». Видеофильм. 1-қисм.

17.00 Кўрсатувлар дастури.

17.05 «Янги авлод»: «Мусиқа олами», «Мультимоша».

17.40 «Сурнай сеҳри». С. Қорабоев.

17.50 «Ўшлик бағзи».

17.55 «Жараён». Хуқуқий ҳақиқат сари.

18.10 «Мусикий лаҳзалар».

18.20 «Дастхат».

18.40 «Ўшлик наволари».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 «ТВ-анонс ва Эколаш».

19.35 «Хайр, мактаб!».

19.45 «Бир ўлка ки...».

20.35, 21.25, 22.30 Ўзбекистон телеканаллари намойиши: «Даллас» Телесериал.

21.30 «Огоҳлик».

21.50 «Мусикий лаҳзалар».

22.00 «Давр» Ахборот дастури.

22.30 «Эколаш».

22.35 «Хон Лайтс» тақдим этади: «Автомобиль ютги».

23.05 «Мухаббат ҳақаси». Телесериал.

23.50 «Ўшлар» телеканалда спорт: «Интерфутбол».

24.00 «Давр» Ахборот дастури.

00.15 «Интерфутбол».

1.35 Шарқ эстрадаси.

1.50-1.55 «Тонг олдузи».

Тошкент телеканаллари

17.25 Кўрсатувлар дастури.

17.30 «Эхтиром ила...».

18.00, 21.00, 22.30, 23.40 «Пойтахт» Ахборот дастури.

18.20 Телерадио «Экспресс».

18.45, 19.50 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».

19.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».

20.30 «Екмилик оҳанглар».

20.40 «Телефақт».

21.20 «Сени излаб». Қисқа метражли бадий фильм.

22.00 Телерадио «Экспресс».

22.25 Оҳанглар ва эълонлар.

22.50 ТТВада сериал: «Сув ости экспедицияси». 1-қисм.

24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!».

Халқаро телеканал

РЖТ 6.30-8.00

16.00-17.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ.

17.00 Кўрсатувлар тартиби.

17.05 Мультчархпалак.

17.20 «Комикслар йиғмаси».

17.50 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.

18.00 «Дил изхори».

РЖТ

18.45 «Тотли оғу». Сериал.

19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 «Время».

20.40 «Махрий ҳужжатлар». Сериал.

21.35 «Соккер-клуб».

22.00 «Вести».

22.30 «Дил изхори».

23.00 Кинематограф. «Классик». Бадий фильм.

00.35 «Ахборот» (рус тилида)

1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!».

СЕШАНБА, 30

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»

8.35 Марказий газеталар шарҳи. 8.50 «Шарқнинг машҳур аёллари».

9.10 «Жиз ва Вустер». Телесериал. 12-қисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. Болаларнинг ёғи таътиллари кунларида.

10.05 Кундузги сеанс: «Мис тоғ бекаси». Бадий фильм.

11.50 «Тиббиёт оламида».

12.05 «Мажнавий» дастури.

12.50 «Эстрада тароналари».

13.20 Тавфиқ ала-Ҳаким. «Ихзор». Теле-новелла.

14.10 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».

14.30 «Кунюқ старлар». ТелемуСОбақа.

15.10 «Вена почта маркаси». Бадий фильм.

16.30 «Битик».

16.50 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Ер-кин келажик сари». Премьера.

17.00 «Ватанга хизмат қиламан».

18.10 «Миттйовлар оиласи». Кино-курсатуви.

18.35 «Муқдур».

18.50 «Куйла, ёшлигим». Мусикий дастур.

19.05 «Шаҳар бедарвоза эмас».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.10 Ўзбекистон телеканаллари.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Аруз гулшани».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Иктисодиёт чорраҳаларида».

21.25 «Сиз туғилган кун». Мусикий-дам олиш дастури.

22.00 «Саурайлар байроғи». Бадий фильм. 1-қисм.

23.15 «Ахборот».

23.45 «Саурайлар байроғи». Бадий фильм. 2-қисм.

00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

Ўшлар телеканаллари

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод»: «Дунё ва болалар», «Мультимоша».

9.50 «Мусикий лаҳзалар».

10.00 «Давр» - интервью.

10.15 «2000-йилдан сунг». Телесериал. 39-қисм.

10.35 «Бизнес-академия».

10.50 «Сурур». Мусикий дастур.

11.00 «Мухаббат ҳақаси». Телесериал.

11.45 Душанба дастурдаги янги бошқалар: «Истеъдод-2000», «Тақвим».

12.15 «Олтин мерос».

12.30 «Ватан манзаралари».

12.45 «Биринчи мўъжиза».

13.05 «Ўзбекистон кураши».

13.30 «Шарқ эстрадаси».

13.45 «Тараққийот».

14.00 «Мусикий лаҳзалар».

14.10 «Даллас». Телесериал.

14.55 «Мусикий лаҳзалар».

15.05 «Талабалар — даврим меннинг».

15.25 «Хайрат».

15.45 «Мусикий лаҳзалар».

15.55 «Ёғи таътил». «Самовий саргузаштлар». Видеофильм. 2-қисм.

16.20 «Мезон».

16.40 «Хит-коллекция».

17.00 Кўрсатувлар дастури.

17.05 «Янги авлод»: «Ким эгил-у, ким чақон?», «Мультимоша».

17.40 «Мусикий лаҳзалар».

17.50 «Олис сафарлар иштиқиди». Хит-той.

18.10 «Далил ва шарҳ».

18.20 «Сийрат».

20.10 «Давр» - интервью.

20.25 «Марду-майдон».

20.45, 21.35, 22.30 Ўзбекистон телеканаллари.

20.50 «Даллас». Телесериал.

21.40 «Ўшлар овози». «Универсиада-2000».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 «Мусикий лаҳзалар».

22.40 «Эколаш».

22.45 «Мухаббат ҳақаси». Телесериал.

23.30 «ТВ-анонс».

23.35 «Мусикий глобус».

24.00 «Давр». Ахборот дастури.

00.15 «Оҳ афсониси». Бадий фильм.

1.40-1.45 «Янги тонг».

Тошкент телеканаллари

7.30 «Соғлом бўлай десангиз».

7.40 «Пойтахт». Ахборот курсатуви.

8.00 Телерадио «Экспресс».

8.25 ТТВада сериал: «Санта-Барбара».

9.05 «Дилором наволар».

9.15 ТТВада сериал: «Сув ости экспедицияси». 1-қисм.

10.05-10.25 «Пойтахт». Ахборот курсатуви (рус тилида).

17.25 Кўрсатувлар дастури.

17.30 «Эхтиром ила...».

18.00, 21.00, 22.30, 23.35 «Пойтахт» Ахборот дастури.

18.20 Телерадио «Экспресс».

18.45, 19.45 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».

19.30 «Мохир».

20.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

20.50 «Саломатлик — бебаҳо неъмат». Бутунжаҳон тамакига қарши кураш кунига бағишланади.

21.20 «Биринчи бўса». Қисқа метражли бадий фильм.

21.50 «Мусикий лаҳзалар».

22.00 Телерадио «Экспресс».

22.25 Оҳанглар ва эълонлар.

22.50 ТТВада сериал: «Сув ости экспедицияси». 2-қисм.

24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!».

Халқаро телеканал

РЖТ 6.30-8.00

16.00-17.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ.

17.00 Кўрсатувлар тартиби.

17.05 Мультчархпалак.

17.20 «Комикслар йиғмаси».

17.50 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.

18.00 «Дил изхори».

РЖТ

18.45 «Тотли оғу». Сериал.

19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 «Время».

20.40 «Махрий ҳужжатлар». Сериал.

21.35 «Соккер-клуб».

22.00 «Вести».

22.30 «Дил изхори».

23.00 Кинематограф. «Классик». Бадий фильм.

00.35 «Ахборот» (рус тилида)

1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!».

Болаларнинг ёғи таътиллари кунларида.

10.05 «Еш юлдузлар-2000».

10.40 Кундузги сеанс: «Дўст». Бадий фильм.

12.05 «Вақтинг кетди».

12.20 «Устозлар даверасида». Мусикий дастур.

12.50 «Каллоблар». Абдор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.

13.55 Ватан тимсоллари.


14.

«Универсиада—2000»

АЛПОМИШ АЗЛОДЛАРИ - ГИЛАМДА

Ўзбек халқи азалдан ўзининг алпқомат пахлавонлари билан ном чиқарган. Бинобарин, дунёга доғи кетган полвонларнинг...

Вилоятнинг барча кекса-ю ёши бирдек орзиқиб кутган мазкур спорт анжумани қатнашчилар орасида ҳам афсоналарда таърифланган пахлавон йигитларимиз борлигини кўрсатди.



Кези келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, мусобақа ўтказиладиган улкан спорт мажмуининг чўғдек гиламлар тўшалган зали жаҳон андозаларига тўла мос келади.

...Мусобақа ўтказиш кўзда тутилган 500 кишилик залга одам сифмади. Вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан келган 16 жамоа вакиллари — бирин-кетин ўртага чиқатган полвонларга қараб ҳавасингиз келади.



моний тарбия институти вакили Искандар Расулов ва самарқандлик Элбек Умаровлар ўртасида ўтган мурасасиз кураш йиғилганларнинг алоҳида олқишига сабаб бўлди.

66 килограмм вазн тоифасида наманганлик полвон Аюбхон Камол билан «Тошкент-1» жамоаси вакили Темур Аҳмедов ўртасида...



ги баҳс ҳам жуда қизгин ўтди. Гоҳ у, гоҳ бу полвоннинг қўли баланд келаятгандек бўлиб кўринса ҳам сўнги дақиқаларда А. Камолнинг эпчил ҳаракатлари ва тажрибаси иш берди: у голиблик шохсупасига кўтарилди.

Шунингдек, 73 кг вазнлилар ўртасидаги беллашувда Акмал Усанов (Самарқанд) сурхондарёлик Тўлқин Валиев ҳамда 81 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар курашида Олим Худойкулов (Сурхондарё) пойтахтлик Лазиз Йўлдошев устидан зафар қозонди.

Умумжамоа ҳисобида тошкентликлар биринчи, бухороликлар иккинчи, наманганликлар учинчи ўринларни эгалладилар.

Наманган муҳандислик-педагогика институти спорт мажмуида ўтказилган волейбол мусобақаларида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, Хоразм Давлат университети, Наманган Давлат университети, Фарғона Давлат Педагогика институти қизлари голиб деб топилдилар.

Бошқа турдаги спорт беллашувлари ҳам гоят қизгин ва мурасасиз ўтмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

2000 йил — Соғлом авлод йили

ВОЛЕЙБОЛЧИ ҚИЗЛАР МАҲОРАТИ

Марғилон тиббиёт билим юрти спорт базасида «Соғлом авлод йили»га бағишланган вилоят тиббиёт ўқув юртлири талабалари ўртасида спартакиада бўлиб ўтди.

Қизгин ва мурасасиз кураш остида ўтган волейбол мусобақалари финал босқичида Марғилон ва Фарғона тиббиёт билим юртлири талабалари рўбарў келдилар.

Стол тенниси ва енгил атлетика баҳсларида II Тошкент тиббиёт олий билимгоҳи Фарғона филиали талабалари У.Бойназаров ва Д.Пирназаровлар зафар қучган бўлсалар, «ақл уйини»да Ф.Жўраев (Фарғона тиббиёт билим юрти) ўзининг энг зўр шахматчи эканлигини исботлади.



юрти жамоаси ва 3-ўринни II Тошкент тиббиёт олий билимгоҳи Фарғона филиали талабалари эгалладилар. Шу таҳсинга лойиқки, икки кун давом этган мусобақалар иштирокчиларга нафақат кўтаринки кайфият бағишлади, балки мазкур ўқув юртлири талабалари ўртасида дўстлик алоқаларини ҳам мустаҳкамлади.

О. ҲАММОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

Футбол ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРМАДИ

Мамлакат IX миллий чемпионатининг 14-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда куйидаги натижалар қайд этилди: «Дўстлик» - «Хоразм» - 5:2, «Кимёгар» - «Турон» - 1:1, «Навбахор» - «Пахтакор» - 2:0, «Темирўйил» - «Семурғ» - 0:2, «Самарқанд-Д» - «Сўғдиёна» - 2:0, «Зарафшон» - «Гулистон» - 2:0, «Бухоро» - «Металлург» - 1:0, «Қизилқум» - «Трактор» - 2:1, «Нефтчи» - «Насаф» - 1:1, «Андижон» - «Сурхон» - 4:0.

Чемпионат жадвалида ҳамон пойтахт вилояти вакили — «Дўстлик» 35 очко билан пешқадамликни қўлдан бермай келаяпти.

«Дўстлик»нинг асосий рақиблари «Хоразм» ва «Кимёгар» жамоалари бормоқда. Чемпионатнинг навбатдаги тур ўйинлари 1 июн куни бўлиб ўтади.

Олтинсой тумани ҳокимлиги диққатиغا!

Сарлавҳани ўқибок, наҳотки, шу қадар аянчли аҳволдаги спорт мактаби ҳам бор бўлса, деган фикрга борасиз. Чунки, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ республикамизда спортга катта эътибор қаратилганлиги ва бу ўз мевасини бераётганлиги - ўзбек спорти жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини топиб бораётганлиги сизни ана шундай фикрга олиб борган бўлиши тайин.

...Олтинсой тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари, мана бир неча йилдирик республикамиз миқёсидаги турли мусобақаларда туман, қолаверса, вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилиб кел-

ти учун бугун юртимизда оламшумул ишлар амалга ошириляётган бир вақтда Олтинсойдаги спорт мактабининг ночор аҳволи жуда-жуда ачиндик. Миллий кураш бўйича мамлакатимиз терма жамоаси мураббийси Эргаш Худойровдек спортчиларни етказиб берган туманда наҳотки бугун спортга эътибор шунчалик суст бўлса?.. Ана шундай саволларга жавоб топиш илнжиди туман халқ таълими бўлими мудири Аҳмад Жалилов билан мулоқотда бўлдик:

ЎЙИНГОҲИ-Ю КОПТОГИ ЙЎҚ СПОРТ МАКТАБИ

моқдалар. Бироқ, аслида Тўйчи Ҳасанов раҳбарлигида 12 нафар мураббийнинг тинимсиз меҳнати ҳамда тарбияланувчиларнинг маҳорати натижаси бўлган бу ютуқлар учун кўркак кераётган баъзи масъул раҳбарлар бу спорт мактабида етарли шарт-шароит яратиш хусусида ўйлаб кўрганмиканлар?

— Спорт мактаби деган номимиз бўлса-ю, ўйингоҳимиз бўлмасан... Копток, кийим-бош, спорт жиҳозлари ҳақида гапирмасак ҳам бўлади, — дейди Тўйчи Ҳасанов. — Шунинг учунми, тажрибали мураббийларимиз бошқа спорт мактабларига кетиб қолишмоқда. Туманимиз мактаб ўқувчиларидан 728 нафарини ўзимизга жалб қилиш ниятида танлаганимиз. Лекин, улар келишадими-йўқми, билмайман. Ахир, спорт заллари, дам олиш хоналаринику қўя туринг, оддий коптоқлари ҳам йўқ спорт мактабига ким ҳам келарди?..

Тўйчи аканинг куюниб айтганларида жон бор. Лекин, барибир

Ф.Элмуродов, К.Тўраев каби келгусида Ватанимиз байрогини юксак кўтарадиган ўнлаб истеъоддорларни тарбиялаётган спорт мактабида аҳвол шу экан, туман халқ таълими бўлимига қарашли бошқа умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия ишлари ўлда-ўйда экан-да, деган уй ўтади.

— Мавжуд 60 та умумтаълим мактабларининг 35 тасида ўйингоҳ, 11 тасида кичик майдончалар бор. Бор-йўғи, 7 та мактабда эса спорт зали мавжуд, — дейди туман халқ таълими бўлими жисмоний тарбия фани услубчиси Ҳаким Сатторов. — 2-урта мактабнинг спорт зали жуда таъмирталаб, авария ҳолатида. Тоғ кишлоқларидаги мактабларда ўтказиляётган жисмоний тарбия дарслари тўғрисида эса гапириб ўтишга ҳожат ҳам йўқ. Умулар, бизда жисмоний тарбия ва спорт ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ҳа, келажагимиз бўлган ёш авлоднинг баркамоллиги, камола-

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири.

Жондор туманидан икки нафар ўқувчи, яъни Сухроб Шеров ва Наргиза Бўроновалар Республика ёш ижодкорлар ва қаламкашлар кўриқ-танловининг голиби бўлдилар.

ЖОНДОР ЮЛДУЗЛАРИ

— Бола бошидан деб бежиз айтишмаган. Дарҳақиқат, келажагимиз ёшлар қўлида экан, ҳар бир ўқувчининг билими ва қобилиятини одилона баҳоламоқ жоиз. Жамиятимизда билимли кадрлар етказиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш халқ таълими ходимлари учун ҳам фарз, ҳам қарзидир, — деди Жондор туман халқ таълими мудири А.Шодиев «Туркистон-пресс» муҳбирига.

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ташаббуси билан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинганлигининг туб негизиди ҳам келажақда фахрланса аризулик издошлар тарбиялашдек улуг мақсад кўзда тутилган.

Шу боисдан иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга алоҳида аҳамият берилаяпти.

Шуниси эътиборлики, туман халқ таълими бўлими ўз ҳисобидан иқтидорли ёш қаламкаш Сухроб Шеровнинг шеърлар тўпламининг алоҳида китоб ҳолида босмадан чиқариб, туман мактабларига намуна ва фахр сифатида тарқатишдек хайрли ишни амалга оширди. «Туркистон-пресс»

ҲАВОДЕК ЗАРУР

Ер юзидидаги барча ўсимликлар бир йилда атмосферадан 300 миллиард тонна карбонат ангидрид газини (умуман ер атмосферасида 2.300 миллиард тонна карбонат ангидрид гази мавжуд) ўзига сингдиради. Унинг таркибидидаги 150 миллиард тонна угдлеводни 25 миллиард тонна водород билан бириктириб, атмосферага 400 миллиард тоннага қислород ажратиб чиқаради.

Кислородсиз жамийки жонли мавжудотнинг ҳаёт кечира олмаслиги ҳаммага аён. «Кишига ҳаводек зарур» деган иборанинг маъноси шунда.

Яшил ўсимликлар ташқи муҳитдан органик бўлмаган моддаларни, чунки тупроқдан сув ва минерал тузларни, ҳаводан эса карбонат ангидрид газини олади. Ўсимлик хужайраларида булардан органик моддалар - оксиллар, углевод, ёғлар, қанд ҳосил бўлади. Қуёш энергияси ёрдамида рўй берадиган мазкур жараён фотосинтез деб аталади.

Маблумки, қуёш тизи-мида 9 та сайёра бор. Лекин астронидларни, яъни кичик сайёраларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда уларнинг сони бир неча ўн мингга етади. Олимларнинг ҳисоб-ки-

БЕХИСОБ КИЧИК САЙЁРАЛАР

А.АЛИЕВ.

тобига қараганда планеталаро фазода катталиги 1 километрдан кам бўлмаган, сони эса чорак миллиарддан ортқ осмон жисмлари мавжуд. Астронидларнинг аксарияти Марс ва Юпитер орбиталари оралигида поз ҳосил қилади. Лекин айримлари — Аполлон гуруҳи деб аталади — Марс ва ҳатто ер орбитаси ичига ҳам ўтади. Орбитаси чўзилган баъзи астронидлар ерга анча яқин масофада келиши мумкин. Айрим мутахассислар астронидлардан металл манбаи сифатида фойдаланиш учун уларни ракета турлар ёрдамида Ер орбитасига келтиришнинг ҳар хил йўллари ни тақлиф қилишмоқда.

эҳтимоли бор. Дам олиш кунлари биз-несга оид ишларингиз омад келтиради. Ноқулай кун — сешанба. Яъни кун — жума. Ноқулай кун яқшанба. ҲАФТА (23.11 — 21.12). Ҳафта бошида бизнес амалиётларини амалга оширинг, бу наф келтиради. Ҳафта ўрталарида ҳар хил хабарлар тинглайсиз. Дам олиш кунлари табиат қўнида мириқиб ҳордиқ чиқарганингиз маъқул. Ноқулай кун — сешанба. ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 19.01). Ҳафта мобайнида ўзингизни у ёқ бу ёққа урманг. Иккони бўлса кўпроқ дам олинг, дам олиш кунларида бу имкониятдан фойдаланинг. Яъни кун — душанба. КОВҒА (20.01 — 18.02). Келаятган ҳафта ҳар жиҳатдан сизга қулай. Ҳар қандай ишга қўл урсангиз, ўнгида келади. Молиявий масалалардаги туғилмак имконлардан самарали фойдаланинг. Дам олиш кунлари хуш-хабарлар тинглайсиз. Яъни кун — шанба. БАЛИК (19.02 — 20.03). Ҳафта бошларида можораларга дуч келишдан ҳушёр бўлинг. Кейинги кунларда моддий аҳволингиз яхшиланади. Дам олиш кунлари кўнглига ёқадиган харидлар қиласиз. Дам олиш кунлари аҳоли кўнглига ёқадиган мириқиб дам оласиз. Яъни кунлар — жума, яқшанба. ТАРОЗИ (23.09 — 22.10). Ҳафта мобайнида турли янгиликлардан хабардор бўласиз. Шу билан бирга мазкур ҳафтада унумли дам олишингиз имкони туғилади. Яъни кун — жума. ЧАЁН (23.10 — 22.11). Ҳафта бошларидаги ишларингиз баракали бўлади ҳамда моддий аҳволингиз яхшиланади. Ҳафта ўрталарида бироз чарқоқ ва лақиллатишлар бўлиши

Мунтазам жумлаш маъмури (29 МАЙ — 4 ИЮН). КҮЙ (21.03—21.04). Ҳафтанинг сешанба кунини амалий битимлар тузиш учун қулай. Пайшанбада хушхабарлар эшитасиз. Дам олиш кунларини қилинмаган ишларга ва дам олишга бағишламоқ жоиз. БУЗОҚ (22.04—20.05). Навбатдаги ҳафта сиз учун кўп томонлама омадли ва хайрли келади. Ҳафта бошида иш фаолиятингиз қизғинлашади, бунинг самараси ўлароқ сешанбада моддий рағбатлантириласиз. Пайшанба кунини иштироқлар чиқшидан эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунини хушхабарлар эшитасиз. Яъни кун — чоршанба. ЭГИЗАКЛАР (21.05—21.06). Ҳафта сиз учун қулай келиши кутилмоқда. Кайфиятингиз, соғлигингиз аҳоли даражада бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кўп ишларни қилиб улгурасиз. Шанбада моддий аҳволингиз яхшиланиб қолса ажаб эмас. Яқшанбада махбуб ёки махбубангиз кўнглини овлашга ҳаракат қилинг. ҚИСКИЧБАҚА (23.06—22.07). Ҳафта бошида соғлигингиз хусусида ўйлаб кўринг. Кейинги кунларда

Бизнесга тааллуқли ишларингиз баридан келади. Шанбада хабарлар эшитасиз. Яъни кун — жума. Ноқулай кун яқшанба. ҲАФТА (23.11 — 21.12). Ҳафта бошида бизнес амалиётларини амалга оширинг, бу наф келтиради. Ҳафта ўрталарида ҳар хил хабарлар тинглайсиз. Дам олиш кунлари табиат қўнида мириқиб ҳордиқ чиқарганингиз маъқул. Ноқулай кун — сешанба. ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 19.01). Ҳафта мобайнида ўзингизни у ёқ бу ёққа урманг. Иккони бўлса кўпроқ дам олинг, дам олиш кунларида бу имкониятдан фойдаланинг. Яъни кун — душанба. КОВҒА (20.01 — 18.02). Келаятган ҳафта ҳар жиҳатдан сизга қулай. Ҳар қандай ишга қўл урсангиз, ўнгида келади. Молиявий масалалардаги туғилмак имконлардан самарали фойдаланинг. Дам олиш кунлари хуш-хабарлар тинглайсиз. Яъни кун — шанба. БАЛИК (19.02 — 20.03). Ҳафта бошларида можораларга дуч келишдан ҳушёр бўлинг. Кейинги кунларда моддий аҳволингиз яхшиланади. Дам олиш кунлари кўнглига ёқадиган харидлар қиласиз. Дам олиш кунлари аҳоли кўнглига ёқадиган мириқиб дам оласиз. Яъни кунлар — жума, яқшанба. ТАРОЗИ (23.09 — 22.10). Ҳафта мобайнида турли янгиликлардан хабардор бўласиз. Шу билан бирга мазкур ҳафтада унумли дам олишингиз имкони туғилади. Яъни кун — жума. ЧАЁН (23.10 — 22.11). Ҳафта бошларидаги ишларингиз баракали бўлади ҳамда моддий аҳволингиз яхшиланади. Ҳафта ўрталарида бироз чарқоқ ва лақиллатишлар бўлиши

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсус хизмат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 23.30.